

ОНКОЛОГИЯДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Г.А.Султонова, Х.С.Зайнутдинов, М.Я.Ибрагимова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: ўсма касалликларни даволаш учун ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш даражасини аниқлаш учун шу касалликларни даволашда қўлланиладиган дори воситаларнинг фармакоиктисодий таҳлилини ўтказиш жуда муҳимдир. Тошкент вилояти ўсма касалликлар диспансерида ишлатиладиган дори воситалардан оқилона фойдаланишни таҳлил қилиш.

Усуллар: ABC ва VEN таҳлил усулларида фойдаланилди.

Натижалар: таҳлил натижаларига кўра А гуруҳига Тошкент вилояти онкологик диспансерга Давлат бюджети томонидан ажратилган маблағнинг 75% маблағ сарфланган бўлиб, уларни ўсмага қарши ишлатиладиган дори воситалар, юрак-қон томир тизимига таъсир қилувчи, инфузион ва қон ўрнини босувчи эритмалар, наркоз воситалари, миорелаксантлар, наркотик ва нонаркотик бўлган оғриқ қолдирувчилар, гармонлар ташкил қилган. В гуруҳига 19% маблағ сарфланган бўлиб, уларни марказий асаб тизимига таъсир қилувчи, ностероид бўлган, яллиғланишга қарши дори воситалар, ошқозон-ичак тизими касалликларини даволашда ишлатиладиган, миотроп спазмолитиклар, қон тўхтатувчилар, электролитлар каби организм ички муҳитини мувозанатга келтирувчи воситалар, темир препаратлари ташкил қилган. С гуруҳига 6% маблағ сарфланган бўлиб, уларни аналептиклар, маҳаллий оғриқ қолдирувчилар, сийдик ҳайдовчилар, инсулин препаратлари, витаминлар, вирусга ва микробларга қарши дори воситалари ташкил қилган. Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансерида қўлланиладиган дори воситалари VEN таҳлили натижаларига кўра V гуруҳига шу дори воситаларнинг 14 таси (52%) киради, уларга антибиотиклар, ўсмага қарши дори воситалар, юрак-қон томир системасига таъсир қилувчи, гормонлар, наркотик ва нонаркотик бўлган оғриқ қолдирувчи дори воситалар; Е гуруҳига шу дори воситаларнинг 8 таси (35%) киради, уларга МНС таъсир қилувчи дори воситалари, қон тўхтатувчилар, сийдак ҳайдовчилар, ошқозон-ичак системасига таъсир қилувчи, антианемик дори воситалар; N гуруҳига шу дори воситаларнинг 5 таси (13%) кириши аниқланиб, уларга антисептик воситалар, боғлов воситалари, витаминлар мансуб эканлиги аниқланди.

Хулосалар: ABC ва VEN таҳлил даволаш профилактика муассасалари формуляр рўйхатига дори воситаларини харид қилишда ташкилотнинг молиявий ресурсларидан фойдаланишнинг оқилона усуллари ҳақида маълумот олиш имконини беради.